

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ - № 24

Жондор тумани

20 январ 2022 йил

Навработ АгроСервис МЧЖ (ташкилот, корхона номи) кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг устави (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи раҳбар **М.Сайлиева** (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва Жондор туман мактабгача таълим булими (корхона, ташкилот, муассаса номи), кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, Ўзининг устави (низоми, устави, ишончнома) асосида раҳбари **О.Баракаев** (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани кўйидагилар ҳақида туздилар.

1.ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни кабул килиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Товар (Маҳсулот)номи	Ўлчовбирлиги	Сони	Нархи	Баҳоси
1	Сут	литр	3 260	4 000	13 040 000
	Жами:	x	x	x	13 040 000

1.2 Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (маҳсулот)ни етказиб бериш муддати: 31 январ 2022 йилгача

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 13 040 000 (ўн уч миллион кирк минг) сўмни ташкил этади.

2.2. Сотиб олинадиган Товар (маҳсулот) учун олдиндан толов миқдори 3 912 000 сўмни, яъни белгиланган сумманинг 30 фоизини ташкил киласди ва бу олдиндан толов 2022 йилнинг январ ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса 9 128 000 сўмни, яъни келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов хисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи хужжат) тақдим қилингандан сўнг 2022 йил 31 январгача амалга оширилади.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 24 августдаги "Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблаглари олувчиларнинг харид килишда 15 фоиздан ортиқ миқдорда аванс тўлаши мумкин бўлган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида"ги 241-сонли қарорига асосан бюджет ташкилотлари ва бюджет маблаглари олувчиларнинг товарларни (ишларни, хизматларни) харид килиш бўйича суммаси бир миллиард сўмгача тузиладиган шартномаларида 30 фоиз миқдорида олдиндан тўловни амалга ошириш назарда тутилади. Мазкур тартиб иловада келтирилган товарларга (ишлар, хизматларга) нисбатан татбиқ этилмайди."Сотувчи" мазкур қарорига амал килиши шарт.

2.4. Тўлов шакли нақд пул пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

2.5. Маҳсулотни етказиб бериш муддати 2022 йил 31январгача.

2.6. Товар етказиб берувчи товарни етказиб беришни ўз зиммасига олади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.

3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гурухи учун амалдаги стандартларга мувоффик келиши керак.

3.1.3. Сотувчи тўпламда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги ҳакида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичидаги сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш

ёки ушбу шартноманинг 2.1.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.

3.1.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди.

3.1.5. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.

3.2. Сотиб олувланинг мажбуриятлари:

3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.

3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳакида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичидаги сотовчини хабардор қиласди.

3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳакини тўлаш.

4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.

4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.

4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик хужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбордor тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ коплайди ва куйидаги миқдорда жарима тўлади:

5.2. Товарлар(маҳсулот)ни етказиб бериш муддатлари кечикириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда, сотувчи сотиб олувлига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятбажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлади, бирок бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товар(маҳсулот)лар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарлар(маҳсулот)ни етказиб бериш муддатларини кечикириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.3. Агар етказиб берилган товар(маҳсулот)лар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, қонунчиликда ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувлчи товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳакини тўлашни рад этиб, сотувчидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товар(маҳсулот)лар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳаки тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб килишга ҳақлидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товар(маҳсулот)лар етказиб берганлик учун жарима сотувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинад.

5.4. Товарлар(маҳсулот)ни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда(даврда) уларни етказиб берганда товар(маҳсулот)ларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувлчи етказиб берувчига танлаб олинимаган (ўз муддатида олинимаган) товар(маҳсулот)лар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса 10 фоиз миқдорида жарима тўлади.

5.5. Етказиб берилган товар(маҳсулот)лар ҳакини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувлчи етказиб берувчига ўтказиб берорилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов

суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлади.

5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини ажаришдан озод килмайди

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда содир этилиши ва тарафларнинг бунга лозим даражада маъсул бўлган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий хисобланади. Бюджет ташкилотлари учун Фазначилик бўлинмасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига мувофик, мажбурий тартибда рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради.

6.2. Шартнома 1 йил муддатга тузилган бўлиб, муддати тугагач, тарафлардан бири уни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида мурожаат қиласа, шартнома кейинги йил учун узайтирилган хисобланади. (Бюджетдан маблағ олувлар учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2016 йил 22 декабря 2850-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларнинг газна ижроси қондаларини тасдиқлаш ҳақида”ги буйругига асосан амал қилиш муддати “31” декабрь 2022 йилгacha белгиланади).

6.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб хисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

6.4. Шартнома муддатидан олдин қуидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин;

- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик хужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
- Форс-мажор ҳолатларида.

7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

7.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонун хужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

7.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан иқтисодий суди тартибда ҳал қилинади.

7.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Бухоро вилоят иқтисодий судида ҳал қилинади.

8. БОШКА ШАРТЛАР

8.1 Мазкур шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар оркали имзоланиши керак.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

“Сотувчи”

“Навработ агро Сервис” МЧЖ
(етказиб берувчининг номи)

Манзил: Жондор туман Мустаккилик
МФЙ
Тел./факс:
Х/р: 20208000900336870001
Банк номи: АТБ Микрокредитбанк
Жондор филиали.
МФО: 00108 ИИН: 302925302
ОКОНХ:



Раҳбар:

М.Сайлиева.
(Ф.И.Ш)

М. Ў.

“Сотиб олувчи”

Жондор туман мактабгача таълим бўлими
(бюджетдан маблаг олувчининг номи)

Манзил : Жондор туман М.Торобий
Тел./факс: 58-23-400
Газна.х¹: 23402000300100001010
Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳар
ХККМ; МФО:00014 ИИН: 305155887
ОКОНХ:92400
ш/х² :400522860062467091100251031
Жондор туман Газначилик бўлинмаси
Банк номи. Марказий банк Тошкент шаҳар
ХККМ; МФО:00014 ИИН:201122919

Раҳбар

О.О.Баракаев
(Ф.И.Ш)



¹ - тегишли газна хисобвараги кўрсатилади.
² - тегишли бюджетдан маблаг олувчининг Газначилик бўлинмасида очилган шахсий хисобвараги (ёки шахсий хисоб вараклари) кўрсатилади.

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING
QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

1. Hujjatning raqami: UK45311821
2. Loyihaning turi: Sharhnomalar
3. Loyihaning nomi:
“Oldi-sotdi sharhnomasi”
4. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida ma’lumot:
Jondor tuman maktabgacha ta’lim bo’limi tomonidan ishlab chiqilgan va
2022-yil 20-yanvar kuni dasturga kiritilgan.

Loyiha ko’rsatilgan munosabatlar, taraflarning javobgarligi me’yori va nizolarni hal etish O’zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, “Xo’jalik yurituvchi sub’ektlar faoliyatining sharhnomaviy-huquqiy bazasi to’g‘risida”gi Qonuni va boshqa qonun hujjatlari bilan tartibga solinadi hamda qonunchilik talablariga mos keladi. Shuningdek amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

**Jondor tuman yuridik xizmat
ko‘rsatish markazi bosh yuriskonsulti**



Sh.Jo‘rayev
2022-yil 24-yanvar